

Ўспиринларнинг ўз-ўзини тарбиялаши педагогик муаммо сифатида

Ходжаева.С.С., старший преподаватель Бух.Гу.(город Бухара.Узбекистан)

Аннотация:Статья, посвящена проблеме организации самовоспитания подростков.Автор описывает педагогические проблемы самовоспитания подростков.

Ключевые слова: самовоспитание,самостоятельное мнение,самокритика.

Abstract: This article we ken try bring up organize preteens illuminate

Key words: self-education ,separate opinion,self-criticism.

Таълим-тарбия жараёнида ўспиринларни ўзгарувчан ҳаётий вазиятлар, жумладан, бозор иқтисодиёти шароитларида фаолият кўрсатишга тайёрлаш педагогиканинг муҳим масалаларидан биридир. Таълим–тарбия жараёнида ўспиринларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш жуда муҳимдир. Бу эса уларда эркинлик, мустақиллик фикрлаш, ўз-ўзини тарбиялашни таркиб топтириш орқали амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» асаридасида таълим–тарбия жараёнини қайта қуришда мустақил фикрловчи, эркин, озод шахсни тарбиялаш энг муҳим вазифа эканлигини таъкидлаб, шундай деган эди: «Демократик жамиятда болалар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади. Агар болалар эркин фикрлашни ўрганмаса, берилган таълим самараси паст бўлиши муқаррар. Албатта, билим керак. Аммо билим ўз йўлига. Мустақил фикрлаш ҳам катта бойликдир». Кўриниб турибдики, ўспиринларда мустақил фикр ва ижтимоийликни тарбиялаш таълим-тарбиянинг муҳим масалаларидан биридир.

Мустақиллик шароитида инсон омилига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўспиринни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш учун унга мазкур жамиятда ўрнатилган ахлоқий меъёрларни сингдириш лозим. Мустақил, эркин, озод бўлиш натижасида ўспирин ўзининг ҳатти-ҳаракати, хулқ-атворини ўзи тартибга солиш кўникмасини эгаллайди. Бундай мустақиллик ва ўз-ўзини тартибга солиш нафақат шахсий турмуш ва ижтимоий ҳаётда, балки жамият ва халқ манфаати йўлида фаоллик кўрсатиш, ҳуқуқий меъёрларга риоя қилиш

имкониятларини таъминлайди.

Шахснинг фаолланувчан илмий-техникавий тараққиёт, ахборот оқимининг ошиши, жамият тарақиётининг тезлашуви ҳам тақозо қилмоқда. Бугунги кунда жамиятдаги турли оқимлар жумладан, терроризм, ахборот хужумлари, нарко бизнес, спид хавфининг кучайиши ҳам ўспиринларни ҳушёрлик ва ўз-ўзини тарбиялашга даъват этишни талаб қилмоқда.

Ўспиринларнинг ўз-ўзини тарбиялаши масаласи уларнинг келажақдаги шахсий ҳамда ижтимоий фаолиятлари учун зарур бўлган ахлоқий сифатлар, маънавий, сиёсий-ҳуқуқий, илмий дунёқарашни шакллантириш, уларнинг саломатликларини мустаҳкамлаш учун зарурдир. Таълим-тарбия ҳамда бу жараёнда ўспириннинг ўз-ўзини тарбиялаши учун педагогик восита - ахлоқий меъёрлар ва шахсий сифатлардир. Улар ёрдамида ўспиринларнинг шахсияти тарбияланади. Бунда ўспириннинг ҳиссий олами, иродавий сифатлари, бардошлари, ўз ҳис-туйғуларини бошқара олишлари ва билим ҳамда тажрибаларини мақсадли йўналтира олишларини тарбиялаш уларнинг келажақдаги ҳаётлари учун ниҳоятда муҳимдир. Таълим-тарбия жараёнида педагогик-психологик хусусиятлар билан бир қаторда, ўспириннинг психофизиологик хусусиятлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Бу ўспиринларнинг руҳий олами, жисмоний ўзига хослиги, билиш имкониятлари, хотиралари, иродалари, диққатлари, фикрлаш даражалари ва саломатликларида ўз ифодасини топади. Ўспириннинг мижози, уларнинг муайян ҳаётий вазиятларга мослаша олиши, жисми ва руҳиятига таъсир қилиши, буларни ўзгартира олиши алоҳида аҳамиятга эга. Ўспиринларнинг мижозларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ўз камчиликларини тузатишга ундай олиши ниҳоятда зарурдир. Ўз-ўзини тарбиялашда ўспирин ўзининг сифатларини қандай йўллар билан такомиллаштириши учун, аввал ўзининг руҳий, биологик, психофизиологик имкониятларини билиши лозим.

Ўспиринларнинг ўз-ўзини тарбиялаш жараёнини ташкил қилишда қуйидагилар муҳим аҳамиятга эга.

1. Ўқитувчининг педагогик маҳорати. Ўқитувчи педагогик

назарияларга таянган ҳолда инсон ўз-ўзини тарбиялай олишининг илмий - методик, ташкилий - педагогик, психофизиологик асосларини билиши зарур. Шу билан бир каторда, у мазкур соҳадаги билимларини ўзида синаб кўриши, сўнг тажрибани ўспирин билан давом эттириши лозим. Ўспиринларнинг ўз-ўзини тарбиялашида муваффақиятли натижани таъминлаш учун жуда катта педагогик куч-ғайрат сарфланади. Бунинг учун ўқитувчи ўспиринларнинг ўз-ўзини тарбиялашига йўналтирилган педагогик жараёнда турли воситалар ва усуллардан фойдаланиши талаб этилади. Бу жараёнда ҳар бир педагогик тадбир, гарчанд у синовдан ўтган бўлсада, турлича натижалар бериши мумкин. Чунки, ўспиринлар ўзига турли хос характер-хусусиятларга эгадирлар. Шунга кўра ўспиринларнинг ўз-ўзини тарбиялашига йўналтирилган педагогик жараёни ташкил этишда гуруҳдаги ўспиринларнинг ўзига хосликларини ҳисобга олган ҳолда янгидан-янги усул ва методлардан фойдаланиш лозим. Демак, ҳар қандай ўқитувчининг ўзида истак бўлса, ўзини шахс ва касб соҳиби сифатида ҳурмат қилса, тарбия ва ўз-ўзини тарбиялашнинг назарий ва амалий асосларини эгаллаши мумкин.

2. Ўспиринлар яшаётган ва ўқиётган оила ва мактаб муҳити.

Ўспириннинг ўз-ўзини тарбиялашида ижтимоий муҳит, жамият ҳаёти алоҳида аҳамият касб этади. Ўспириннинг дунёқараши жамиятдаги ижтимоий - сиёсий, иқтисодий - мафкуравий муносабатлар асосида юзага келадиган ахлоқий, ҳуқуқий, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳамда диний эътиқодлар таъсирида ўзгаради. Бироқ тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг унда яшаётган кишиларга таъсири маълум педагогик воситалар ёрдамида тартибга солинади. Кўриниб турибдики, тарбия ва унинг ҳосиласи бўлган ўз-ўзини тарбия жамият эҳтиёжидан келиб чиқадиган ижтимоий-педагогик заруратдир. Ўспиринларнинг ўз-ўзини тарбиялаши жараёнини ижтимоий талаблардан келиб чиққан ҳолда миллий ғоя, ахлоқий қарашлар, ижтимоий-руҳий ўзига хосликлар, ҳуқуқий меъёрлар, диний эътиқот, ижтимоий фаолликни таркиб топтириш асосида ташкил этиш талаб этилади.

Ўспиринларни ўз-ўзини тарбиялашга ўргатиш жараёнининг мақсади, мазмуни, шакл, усул ва методлари худди мана шу талабларни ҳосибга олган ҳолда танланади. Ўспиринларни ўз-ўзини тарбиялашга ўргатиш жараёни айна замонда уларнинг миллий ўзликларини англашларига ҳам хизмат қилиши керак. Бу жараёнда амалга оширилаётган муҳим педагогик вазифалардан бири ўспиринларни бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида фаолият кўрсатишга тайёрлашдан иборат. Бунинг учун уларнинг иқтисодий билимдонлигини ривожлантириш, муайян соҳада амалий фаолият кўрсатишга тайёрлаш, турли сиёсий, иқтисодий, ҳаётий вазиятларда тўғри қарорлар қабул қилиш кўникмасини шакллантириш муҳимдир. Шунингдек, ўспиринларни ўз-ўзини тарбиялашга ўргатиш жараёнининг мазмуни, шакли, усул ва методлари уларда мустақил, ижодий, танқидий фикрлаш, топқирлик ва тежамкорлик, табиат неъматлари, захиралари, маънавий қадриятлар ва атроф-муҳитни асрашга тайёрлашга хизмат қилиши лозим.

3. Ўспириннинг ўз-ўзини тарбиялашга бўлган ички эҳтиёжлари.

Ўспиринлар таълим жараёнида ўзларининг «мен»ларини фаол тарзда ўзгартирувчи субъектлар сифатида намоён бўладилар. Ўспиринларнинг ўз атрофдагилар, синфдошлари ва ўқитувчилар билан ўзаро мулоқотлари давомида уларда янги эҳтиёжлар пайдо бўлади. Улар ўз ҳаракатлари орқали бу эҳтиёжларни қондиришга интиладилар. Ўспиринлар ўқув фаолиятига киришиш асносида янги шахсий сифатларни эгаллашга эҳтиёж сезадилар. Жумладан, масъулиятлилик, қатъийлик, фаоллик, мустақиллик каби. Ўз навбатида бу сифатлар уларнинг ўқув-билув фаолиятларида намоён бўла бошлайди. Ўспиринлар томонидан эгалланган сифатлар ижтимоий тажрибаларига сингиб, уларнинг шахсий сифатларини бойитади. Ўспиринларнинг эҳтиёжлари уларни фаол изланишларга ундайди. Бу ҳолатга ўспиринларнинг ўз-ўзини тарбиялашлари нуқтаи-назаридан ёндашадиган бўлсак, улар ўзларининг фаолиятларини амалга ошириш учун етишмайдиган сифатларни эгаллашга эҳтиёж сезадилар. Натижада уларда «Мен хоҳлайман, уни эгаллаш учун ҳаракат қиламан, мен бу йўлда учрайдиган зиддиятларни

енга оламан тарзидаги хошиш ва унга интилиш пайдо бўлади. Шу тариқа ўспирин шахсининг тараққиёти ва ўз-ўзини тарбиялаш имконияти вужудга келади.

Инсонда ҳар доим моддий ва маънавий эҳтиёжлар мавжуддир. Мазкур тизимда маънавий эҳтиёжлар устивор бўлиб, у шахсининг атрофдагилар, жамият ҳаётига бўлган муносабатида ифодаланади. Мен атрофдагилар, жамият аъзоларига керакли инсон бўлишим лозим, деган фикр ҳар бир инсонни маънавий етуклик сари ундайди. Кўриниб турибдики, ўспиринларининг ўз-ўзини тарбиялашларининг моҳияти ижтимоий, миллий, инсонпарвар ҳамда демократик моҳият касб этиши керак. Ҳар бир ўспирин ўз моҳиятини тушунган ҳолда ўзини янгидан кашф этса, келажакда жамиятда муносиб ўрин топа олади.

Ўспиринларнинг ўз-ўзини тарбиялашлари бир бутун, яхлит таълим-тарбия жараёнининг таркибий қисмидир. В.А.Сухомлинскийнинг таъбири билан айтганда, агар ўспириннинг ўзи хоҳламаса, уни ҳеч қандай тарбия воситасида тарбиялаш мумкин эмас. Ўз-ўзини тарбиялаш ўспирин фаолиятининг муайян босқичида ўспирин ҳамда ўқитувчи ҳамкорлигида амалга оширилади. Бунда ўқитувчининг ўспиринларни қўллаб-қувватлаши муҳим аҳамиятга эга. Ўспиринларнинг ўз-ўзини тарбиялашлари натижасида уларда ижобий сифатлар барқарорлашади. Ривоят қилишларича, Кубравия тариқатининг асосчиси буюк мутассуф олим Нажмиддий Куброга шогирд бўлиш истагида бой ва ўзига тўқ оиланинг боласи келибди. Кубро унга хонақони супириб, сидириш, нопок жойларни тозалаш ишларини буюрибди. Боланинг онаси табиблик билан шуғулланар экан. У ўғлига ачиниб, устознинг олдида одам юбориб, “Айтинг бу ишларни қилиш учун хизматкор керак бўлса, мен юборай, менинг ўғлимни қийнамасинлар”, - дебди. Шунда Кубро: “У кишига бориб айтинг ўзлари табиб эканлар, ўғиллари касал бўлса, тузалиши учун дорини ўзи ичиши керакми, ёки унинг учун хизматкор ичиши керакми?”, - дебди.